

ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

ШНҚ 1.04.05-20

КЎП ХОНАДОНЛИ УЙЛАРДА ХОНАЛАРНИ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ, ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚАЙТА УСКУНАЛАШ БЎЙИЧА БИНОЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ҚОИДАЛАРИ

Правила обеспечения безопасности зданий при осуществлении реконструкции, перепланировки и переоборудования помещений в многоквартирных домах

Rules for ensuring the safety of buildings during the reconstruction, redevelopment and re-equipment of premises in apartment buildings

КИРИШ

Мазкур ҳужжат кўп хонадонли уйларда хоналарни реконструкция қилиш, ўзгартириш ва қайта ускуналаш бўйича бинолар хавфсизлигини таъминлаш соҳасига оид, Ҳукумат томонидан қабул қилинган қарор ва фармонлар билан мувофиқлаштирилди ҳамда хорижий амалиёт асосида қайта кўриб чиқилди.

1. ҚўЛЛАНИЛИШ СОҲАСИ

1.1. Мазкур шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (кейинги ўринларда ШНҚ деб юритилади) кўп хонадонли уйларда хоналарни реконструкция қилиш, ўзгартириш ва қайта ускуналаш бўйича бинолар хавфсизлигини таъминлаш мақсадлари учун лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, ишларни ташкил этиш ва бажариш, уларни мақбуллаштириш ҳамда муаллифлик назоратини олиб бориш тартибини белгилайди.

2. НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАРГА ҲАВОЛАЛАР

2.1. Мазкур меъёрий ҳужжатда ШНҚ 1.03.06 “Шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизасидан ўтказиш тартиби”га ҳаволалар қўлланилади.

3. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

Мазкур ШНҚ да қуйидаги атамалар ва таърифлар ишлатилади:

хона – турар жой биносида, ШНҚга мувофиқ равишда ускуналанган ва муайян мақсадларга мосланган – истиқомат қилинадиган, умумий фойдаланишга мўлжалланган ва истиқомат қилинмайдиган – деворлар, ораёпмалар ва бошқа тўсувчи конструкциялар билан чекланиб ташкил топган ҳажмий-бўшлиқ;

реконструкция – бир ёки бир неча ўзаро боғлиқ бўлган хоналарни ўзгартириб қайта қуриш ишлари, яъни хоналарни қайта режалаш, хонадон ичидаги муҳандислик коммуникациялар ва жиҳозларни кўчириш ишлари (оралиқларни очиш ва беркитиш, ораёпмаларни қисман ёки тўлиқ бузиш ва ҳ.к.) билан боғлиқ бўлган қурилиш ишлари;

туташ хоналар – умумий девор ва оратўсиқ девор (перегородка)лар билан тўсилган хоналар;

хонадон эгаси – кўп хонадонли уйда хонага эгалик ҳуқуқи бор юридик ёки жисмоний шахс, мулкдор;

кўп хонадонли уй – хонадонлар сони икки ва ундан ортиқ бўлган, умумий ташқи хоналарга ва умумий муҳандислик тизимларига эга бўлган уй;

бино — функционал мақсадига қараб одамлар яшаши ёки бўлишига ва ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажариш учун мўлжалланган ёпиқ ҳажмни ташкил этувчи таянч, тўсиқ ёки аралаш конструкциялардан таркиб топган қурилиш тизими;

иншоот – таянч, тўсиқ ёки аралаш конструкциялардан таркиб топган, ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бажариш, материалларни, маҳсулотларни, буюмларни, асбоб-ускуналарни сақлаш, одамларнинг вақтинча бўлиши, одамлар ва юкларни, хом ашёни ва ишлаб чиқарилган маҳсулотни олиб ўтиш учун мўлжалланган катта ҳажмли, ясси ёки чизиқ тарзидаги қурилиш тизими.

бино ва иншоот фасадининг эскиз лойиҳаси — бино ва иншоот фасадига ўзгартиришлар киритилмасдан олдин унинг олд ва ён фасадларининг рангли тасвирдаги фотосуратлари билан бирга бино ва иншоот фасадига киритилган ўзгартиришларнинг якуний натижаси тўғрисида тўлиқ тасаввур берувчи бино ва иншоот фасадининг рангли тасвирдаги архитектуравий чизмаси.

4. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

4.1. Кўп хонадонли турар жой биноларнинг хоналарида реконструкция ишларини амалга ошириш учун рухсат берувчи ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби Ҳукумат қарорлари билан белгиланади.

4.2. Истиқомат қилиш учун қулайликлар даражасини ошириш мақсадида хоналарни реконструкция қилиш, ўзгартириш ва қайта ускуналаш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилиши мумкин:

ёрдамчи хоналарнинг юза ўлчамларини ўзгартириш;

алоҳида хоналарни белгилаш ёки уларни туташ хоналардан ажратиш мақсадида қўшимча оратўсиқ девор (перегородка)лар ўрнатиш;

хоналар тарҳини мақбул холга келтириш мақсадида оратўсиқ девор (перегородка)лар ўрнини ўзгартириш, шунингдек истиқомат қилувчи ва ёрдамчи хоналарда мавжуд бўлган оралиқларни беркитиш;

янги эшик оралиқларини очиш ва эскиларини беркитиш, шунингдек эшиклар очилишининг йўналишини ўзгартириш;

иситиш ва санитар-техник жиҳозлар ўрнини ўзгартириш;

пешайвон (лоджия) иситилишга мослаштирилиб, кўпхонадонли уйнинг иситиш тизимининг гидравлик барқарорлигини бузмаган ҳолларда, ушбу хонага иситиш қурилмаси ўрнатиш.

5. РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН БОШЛАНҒИЧ ҲУЖЖАТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

5.1. Турар жойнинг истеъмол сифатини яхшилашга қаратилган реконструкция ишлари лойиҳа ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа ҳужжатлари асосида амалга оширилиши мумкин. Бунда бино фасадини реконструкция қилиш (ўзгартириш) кўзда тутиладиган бўлса бундай лойиҳа бино ва иншоотнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни мутасадди идоралар билан келишиш маъмурий регламентларда белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.2. Реконструкция ишлари учун лойиҳа ҳужжатлари куйидагилардан иборат:
 реконструкция имконияти борлиги тўғрисида техник хулоса;
 хоналарнинг тарҳлари ва кесимлари чизмаси;
 турар жой биносининг фасади чизмаси (агар бино фасади реконструкция қилинадиган бўлса);
 конструктив тугун (узел)лар ва деталлар чизмаси;
 ҳисоблар (зарур бўлганида).

5.3. Реконструкциялаш учун лойиҳа ҳужжатлари амалдаги ШНҚ ва давлат стандартларига мувофиқ равишда ишлаб чиқилиши лозим.

5.4. Лойиҳа ҳужжатлари ШНҚ 1.03.06 да белгилан тартибда экспертизадан ўтказилади ва хонадон эгаси томонидан тасдиқланади.

6. ХОНАДОНЛАРНИ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ, ҚАЙТА ТАРҲЛАШ ВА ҚАЙТА УСКУНАЛАШДАГИ ЧЕКЛОВЛАР

6.1. Хонадонларни реконструкциялаш, қайта тархлаш ва қайта ускуналашда куйидагиларга йўл қўйилмайди:

санитар-техник хоналарни бевосита ётоқхона ва ошхона устига жойлаштириш;
 ораёпма плиталарига таъсир этувчи ҳисобланган юкланиш даражасини ошириб қайта қуриш;

бино пойдеворини ўзгартириш ва бинонинг юк кўтариб турувчи синчи ёки каркас элементларининг бикрлик ва мустаҳкамлик хусусиятларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган қайта қуришни амалга ошириш;

бинони бўлимларга ажратувчи капитал деворлар ёки пардеворларидаги ёнғин хавфсизлигини таъминловчи оралиқларни беркитиш;

мавжуд бўлган дераза оралиқларини кенгайтириш ва янги дераза оралиқларини очиш;

дераза оралиғига бир ёни билан таянадиган пардеворлар ўрнатиш;

лойиҳада кўрсатилган тиклаш ва кучайтириш чора-тадбирларини ўтказмасдан ригель, тўсин ва хари (прогон)ларга шикаст етказувчи, баъзи таянчларнинг юк кўтариб турувчи хусусиятларини заифлаштирувчи том ва том ёпмаларни, ҳамда конструкцияларни шикастланишига сабаб бўлувчи ораёпмалар яхлитлигига ва санитар хоналаридаги гидроизоляция бутунлигига зарар етказувчи ишларни амалга ошириш;

деворлар ичидан ўтадиган вентиляция, тутун ва газ каналларида тортишни ёмонлаштирувчи ёки уларни умуман ёпилиб қолишига сабаб бўла оладиган ишларни амалга ошириш;

хоналарда темир қувурли мўрилар ва чордоқларда осма бўғизлар ўрнатиш, бевосита ошхонадан хожатхона ва ювиниш хонасига кириш эшигини очиш;

марказий истиш тизимидаги тик қувурларнинг лойиҳавий ҳолатини ўзгартирган ҳолда пешайвонни истиш;

истиқомат хоналарига кириш эшигини бевосита кўчадан ёки зинапоя бўлмасидан очиш;

бино учун умумий бўлган муҳандислик тармоқларига (сув, газ, электр таъминоти ва алоқа) шунингдек вентиляция тизимига шикаст етказувчи ишларни бажариш;

индивидуал қўлда тайёрланган, газ билан ишлайдиган иситиш қозонларини ва иссиқ сув ускуналарини ўрнатиш.

6.2 Хоналар ўзгатирилишида жорий этилган шаҳарсозлик, санитария-гигиена ва эксплуатацион-техник меъёрий ҳужжатлардаги талабларга жавоб бермайдиган тадбирлар ва уларни қўллашга йўл қўйилмайди.

7. РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШДА БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ТАРТИБИ

7.1. Реконструкция ишлари қуйидаги тартибда амалга оширилиши мумкин:

пудрат усулида;

хўжалик йўли билан (қурилиш буюртмачиси – хонадон эгасининг ўз кучи билан ва маблағи ёрдамида).

7.2. Хоналарнинг реконструкцияси, ўзгартирилиши ва қайта ускуналаниши бўйича лойиҳа ҳужжатини ишлаб чиққан лойиҳалаш ташкилоти буюртмачи мувожаатномаси асосида муаллифлик назоратини олиб боради.

Яширин шаҳодатловчи ишлар амалга оширилаётганда ишларнинг лойиҳа ҳужжатида мувофиқлиги муаллифлик назоратини олиб борувчи мутахассис томонидан тасдиқланиши лозим.

7.3. Кўп хонадонли турар жой биноларида қуйидагиларга йўл қўйилмайди:

реконструкция қилинаётган хоналарда ораёпма плиталарига ва зинапоя сатҳларига таъсир қилувчи меъёрий юкланишларни ортиб кетишига сабаб бўлувчи қурилма ва асбобларни қўллаш;

туташ ва юқоридаги (пастдаги) хоналарга зарар етказилишини олдини олувчи махсус тадбирларсиз ишлаш;

эвакуация йўлларини, бошқа умумий фойдаланиш жойларини (зинапоя майдончалари, умумий йўлаклар, подъезд, айвон ва бошқа хоналар), шунингдек турар жой биноси атрофидаги ҳудудни қурилиш материаллари ва (ёки чиқиндилари) билан тўсиб қўйиш;

йўловчи (одам ташувчи) лифтларда, қурилиш материаллари ва чиқиндиларини ўралмаган ёки беркитилмаган ҳолда ташиш, шунингдек лифт кўтариш қобилияти чегарасидан ошириш;

истиқомат хоналари ва бошқа хоналар (пешайвон, йўлак, санузел) ораёпма плиталаридаги йўл қўйилган меъёрий юкланишларни ортишига сабаб бўлувчи миқдорда қурилиш материаллари ва (ёки чиқиндиларни) йиғиб тўплаш;

қурилиш материаллари ва (ёки чиқиндиларни) айвонларда йиғиб тўплаш.

7.4 Реконструкция ишлари бажарилишининг техник назорати кўпхонадонли уйни бошқарувчи ташкилот вакили ва хонадон эгаси (буюртмачи) томонларидан амалга оширилади.

8. АМАЛГА ОШИРИЛГАН РЕКОНСТРУКЦИЯНИ РЎЙХАТГА КИРИТИШ

8.1 Реконструкция тугаганидан сўнг хонадон эгаси лойиҳалаш ташкилоти билан биргаликда бажарилган ишлар лойиҳа ҳужжатларига мувофиқлигини тасдиқловчи далолатнома тузади.

8.2 Хонадон эгаси бир ойлик муддат ичида, бино ва иншоотларнинг кадастр ҳужжатларига реконструкция жараёнида амалга оширилган ўзгартиришларни киритиш тўғрисида маҳаллий кадастр органига маълумот бериши керак.

8.3 Турар жой биноси ва унинг юк кўтарувчи конструкцияларини сейсмик мустаҳкамлиги, кўпхонадонли уйни бошқарувчи ташкилот томонидан:

ҳудуднинг сейсмик даражаси **6 баллдан** юқори бўлганда – ҳар 5 йилда;

ҳудуднинг сейсмик даражаси **6 баллгача** бўлганда эса – ҳар 10 йилда;

текшириб борилиши ҳамда ҳар бир уй учун сейсмик паспорт юритиб борилиши лозим.

Агар хонадонлар ичидаги юк кўтарувчи конструкцияларга ўзгартиришлар киритилган бўлса уйларнинг сейсмик паспортида ушбу ўзгартиришлар қайд этиб борилиши талаб қилинади.

А Д А Б И Ё Т Л А Р

1. ШНҚ 1.04.05-06 “Кўп хонадонли уйларда хоналарни реконструкциялаш, ўзгартириш ва қайта ускуналаш бўйича бинолар хавфсизлигини таъминлаш қоидалари”;

2. СП 368.1325800.2017 “Қоидалар тўплами. Уй-жой бинолари. Капитал таъмирлашни лойиҳалаш қоидалари”. (Россия Федерацияси);

3. ВСН 53-86 (р) “Турар-жой биноларининг жисмоний бузилишини баҳолаш қоидалари”. (Россия Федерацияси);

4. ВСН 57-88 (р) “Турар-жой биноларини техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низом”. (Россия Федерацияси);

5. СН РК 1.04-26-2019 “Турар-жой ва жамоат биноларини реконструкция қилиш; капитал ва жорий таъмирлаш”. (Қозоғистон Республикаси);

6. СНБ 1.04.02-02 “Турар жой ва жамоат бинолари ва иншоотларини таъмирлаш, реконструкция қилиш ва тиклаш”. (Беларусь Республикаси).

МУНДАРИЖА

	Бет
1. Кириш.....	4
2. Қўлланилиш соҳаси.....	5
3. Норматив ҳужжатларга ҳаволалар.....	5
4. Атамалар ва таърифлар.....	6
5. Умумий қоидалар.....	6
6. Реконструкция қилиш учун зарур бўлган бошланғич ҳужжатларни расмийлаштириш ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш	7
7. Хонадонларни реконструкция қилиш, қайта тархлаш ва қайта ускуналашдаги чекланишлар.....	8
8. Реконструкция қилишда бажариладиган ишлар тартиби.....	8
9. Амалга оширилган реконструкцияни рўйхатга киритиш.....	9

УДК (69+728.2)

ШНҚ 1.04.05-20 “Кўп хонадонли уйларда хоналарни реконструкция қилиш, ўзгартириш ва қайта ускуналаш бўйича бинолар хавфсизлигини таъминлаш қоидалари”.
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги. Тошкент 2020й. 9 бет.

ИШЛАБ ЧИҚИШДА ИШТИРОК ЭТГАН: TOSHUYJOYLOYINA ОАЖ (инж.А.Х.Абдувасиқов, инж.Н.Н.Владимиров, С.В.Соколов, Ф.С.Соқиев), Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги (А.А.Ахрорхўжаев, Д.А. Аҳмедов)

ИШЛАБ ЧИҚДИ ВА КИРИТДИ: Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги “Қурилишда техник меъёрлаш” маркази (т.ф.н. Р.А.Кучкаров, Б.С.Садиқов - мавзу раҳбарлари, т.ф.ф.д. Н.Н.Норов).

МУХАРРИРЛАР: Б.И.Закиров, Ш.С.Хидоятлов, Б.С.Садиқов, (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги), Р.А.Кучкаров, Н.Н.Норов (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги қошидаги “Қурилишда техник меъёрлаш” маркази).

ТАСДИҚЛАШГА ТАЙЁРЛАДИ: Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг Техник меъёрлаш, янги технологияларни жорий этиш бошқармаси (Ж.И.Болтаев, Д.А.Аҳмедов, Ж.Бўтаёров).

ТАСДИҚЛАНДИ: Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2021 йил 28 апрелдаги 98-сонли буйруғи билан.

КЕЛИШИЛГАН: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фавқулотда вазиятлар вазирлиги, Экология ва табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси.

ШНҚ 1.04.05-20 “Кўп хонадонли уйларда хоналарни реконструкция қилиш, ўзгартириш ва қайта ускуналаш бўйича бинолар хавфсизлигини таъминлаш қоидалари” кучга кирган кундан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ШНҚ 1.04.05-06 ўз кучини йўқотади.



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGI**

**TEXNIK JIHATDAN
TARTIBGA SOLISH
SOHASIDAGI NORMATIV
HUJJATLARNING
HUQUQIY EKSPERTIZASI
NATIJALARI BO‘YICHA
X U L O S A**

ШНК 1.04.05-20-сон

1. Хужжатнинг тури:

Шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидалари

2. Хужжатнинг номи

ШНК 1.04.05-20 Правила обеспечения безопасности зданий при осуществлении реконструкции, перепланировки и переоборудования помещений в многоквартирных домах

3. Хужжатни тасдиқлаган орган ва у киритилган сана ҳақидаги маълумот

Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири томонидан 2021 йил 5 майда 98-сон билан тасдиқланган.

4. Хужжат бўйича таклиф ва эътирозлар

Мазкур ҳужжат техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга қўйиладиган талаблар асосида киритилганлиги сабабли таклиф ва эътирозлар мавжуд эмас.

5. Қонунчилик техникаси қоидаларига риоя қилинганлиги

Ушбу ҳужжат “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 19 майдаги ПФ-5997-сон қарори ҳамда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) талабларига жавоб беради ва қонунчилик ҳужжатларига зид эмас.

6. Масъул ишрочи

Управление правовой экспертизы правительственных протокольных решений и ведомственных нормативных актов

Хужжатни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш натижаси бўйича

ХУЛОСА:

Мазкур ШПНҚ кўп хонадонли уйларда хоналарни реконструкция қилиш, ўзгартириш ва қайта усқуналаш бўйича бинолар хавфсизлигини таъминлаш мақсадлари учун лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, ишларни ташкил этиш ва бажариш, уларни мақбуллаштириш ҳамда муаллифлик назоратини олиб бориш билан боғлиқ қоидаларни белгилайди.

Тақдим этилган шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларида ҳуқуқий нормалар мавжуд эмас.

Юқоридагиларга кўра, “ШПНҚ 1.04.05-20 “Кўп хонадонли уйларда хоналарни реконструкциялаш, ўзгартириш ва қайта усқуналаш бўйича бинолар хавфсизлигини таъминлаш қоидалари тўғрисида”ги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатни ҳисобга олиш мумкин деб хулоса қиламан.

Министр



Davletov R. K.

2021 года «12» мая

